



SCIENCE BOX

Бухоро тарихи хакида

М.Б. Сулаймонова

Уқитувчи Бухоро давлат университети

Аннотация: Ушбу макола Бухоро тарихининг энг кам ва камситиб ўрганилган даври хакида.

Калит сўзлар: Бухоро, Арк, тарих, Наршахий, ёши, маънавият

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганда кейин ўтган қисқа даврда эришган энг улкан ютуғимиз-бу юртимиз озодлиги ва қадриятларимизнинг тикланаётганинигидир. Шу боисдан ҳам халқимиз ва Ватанимизнинг ўз тарихига бўлган ташналигини қондириш борасида бир қатор ишлар килинди ва килинмоқда.

Айниқса биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган маънавиятимиз ва тарихимизни тиклаш соҳасида эришилаётган ютуқларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.

Бу борада Бухоро тарихига берилаётган эътибор алоҳида ўринда туради. Ўзининг тарихига эга бўлган бу юрт жаҳон тарихи, иқтисодиёти, маънавияти, маданияти ва курашлар тарихида алоҳида ўринга эга. Бу юрт миллионлаб халқларнинг саждагоҳига ёки бешигига айланган макондир. Аммо кейинги 130 йил давомида унга - “реакцион ислом мамлакати”, “биққиқ феодал давлат”, “жаҳолат маркази” каби сохта номлар қўйиб тарихи камситилиб халқининг бошини ҳам қилиб келдилар.

Биринчи Президентимиз И.А Каримов айтиб ўтганлариdek “Замонлар ўтар, йиллар, асрлар ўтади. Ҳеч шубҳа йўқки, фарзандларимиз, невараларимиз, келажак насллар Бухорога, унинг қадим тарихига қайта-қайта мурожаат этадилар”.

Фикримизнинг далили сифатида Юртбошимиз ташаббуси билан “Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги тўғрисида” (1992 йил) “Файзулло Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги”, А.Фитрат таваллудининг 110 йиллиги, (1996 йил) “Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигини ўтказиш тўғрисида” (1996 йил) “Мачити Калонни таъмирлаш ва қайта тиклаш” (1996 йил) “Ином Исмоил Бухорий таваллудини нишонлаш тўғрисидаги” (1997 йил) “Абдухолик Фиждувоний юбилейини ўтказиш тўғрисида” (2004 йил) ва бошқа тадбирлар бунинг ёрқин мисолидир.

Бухоро тарихининг энг кам ва камситиб ўрганилган даври XX асрнинг дастлабки 25 йилидир. Бу давр янги тарихий тафаккур ва мустақиллик ғоялари асосида чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб Кўхна Бухоро тарихи узоқ ўтмишдаги асрларга бориб тақалади. Дунёда қадимги шаҳарлар жуда кўп. Лекин уларнинг кўпчилиги турли табиий оғатлар, вайрон этувчи урушлар натижасида жойини ўзгартириб турган Бухоро шаҳри эса қайерда пайдо бўлган бўлса шу жойида қайта-қайта курилиб бугунгача яшаб келаётган дунёдаги ягона шаҳар десак муболага бўлмайди.

Шунинг учун бўлса керакки Бухоро-Хитойдан Римгача бир неча минг клометрга чўзилган Буюк ипак йўлининг бош шаҳарларидан бири бўлиб келган.

Шаҳар тарихига таълукли маълумотлар шундан далолат берадики Бухоро Зарафшон дарёсининг қуи қисмида вужудга келган. Авесто китобида ва Герадоднинг маълумотларига қараганда у Суғд шаҳарларидан бири бўлган. Александр Макидонский замонида яшаган тарихчи Аррион гарчанд Бухоро тўғрисида маълумот бермасада умуман қуи Зарафшон тўғрисида қуидагиларни ёзди. “Зарафшон воҳаси жуда кенг ва обод. У ерда жуда кўп мустаҳкам қальъалар ва шаҳарлар бор. Александр бу шаҳарларни ишғол этиш ва маҳаллий аҳоли қаршилигини бостириш учун бешта жазо отряди юборди ва буйсундирди” Бу маълумот шундан далолат берадиким воҳа аҳолиси жумладан Бухороликлар Александрга осонликча таслим бўлмаган.

XX аср 30-70 йилларидағи археологик қозишлиар давомида олинган маълумотларда ҳам Бухоро ваоҳасидаги сугориш иншоотлари ва дехқончилик маданияти Александр Макидонский юришларидан олдинроқ гуллаб яшнаганини исботлади.

Машхур археолог В.А. Шишкеннинг маълумотларига қараганда “Бухоро воҳасида қадимда

жўшкин ва бой хаётдан далолат берувчи катта-кичик 500 та теппа ва шаҳарчаларнинг мавжудлиги ўлка тарихининг жуда қадимийлигидан далолат беради.” Пойканд, Варахшо, Ромитан, Бухоро, Фиждувон, Вобкент сингари шаҳарлар ана шундай теплар устида вужудга келган.

Бухоро тарихи ва уни ёши масаласида бизгача етиб келган манбалар ичида Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асари муҳим ўрин тутади.

“Бухоро тарихи” асари бундан 1064 йил олдин шу замин фарзанди қўли билан ёзилиб бизгача етиб келган энг қадимги ва қимматли асардир. Ҳозиргacha Ўрта Осиё шаҳарлари тўғрисида бундай мукаммал маълумот берувчи асар фақат Бухоро тўғрисида ёзилган. Шунинг учун ҳам тарихчиларимиз “Бухоро тарихи”ни Ўрта Осиё тарихнавислик фанидаги энг дастлабки асарларидан бири деб хисоблайдилар.

Айниқса ўтган аср бошларидаги демократик ҳаракатлар, жадидчилик ва унинг намоёндалари С.Айний, А.Бурхонов, Ф.Хўжаев, А.Фитрат, А.Пўлатхўжаевларнинг ҳаёти ва фаолияти янада чуқурроқ ўрганилиши лозим.

Бухоронинг узоқ ўтмиши ҳам, тарихий манбалар ҳам шундан далолат берадики, ҳақиқаттан Аркдан бирор подшоҳнинг жасади олиб чиқилмаган. Ҳатто 1920 йил августнинг охири сентябр ойининг бошларида қизил армиянинг 5 кунлик ҳам аэропланлар билан ҳам узоққа отадиган тўплар билан Аркни тинимсиз бомбардимон қилиб турган бўлсада Амир Олимхоннинг Аркдан эсон-омон чиқиб кетиши юқоридаги фикрнинг испоти эмасми?

Биз юқоридаги манбаларга асосланиб Бухоронинг ёши ва Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихининг анча қадимийлиги хусусида қуйидаги хуносаларга келишимиз мумкин.

Биринчидан: Наршахий ёзганидек Туркий халқлардан бўлган “Шери Кишвар тарихий шахс У Туркистондан келиб Бухоро шаҳрини курдирди. Сўнг Сакматин (ҳозирги Чорбакр) ва Фароб қишлоқларига асос солиб 20 йил подшоҳлик қилди” дейди. Демак Туркистон-Бухоро-Фароб ҳудудларини ўз ичига олган манзил қудратли давлат хисобланган.

Иккинчидан: Наршахий-“Бухоро Аркини Сиёвуш бунёд этди. Сўнг қайнотаси Афросиёб томонидан у ўлдирилиб Аркнинг Шарқий дарозаси остида кўмди. Бу дарвоза “Гўриён” деб аталадиган бўлди”. Бу воқеаларга 3 минг йил бўлди, деб ёзган эди. Агар Наршахий яшаб ўтган даврга яна минг йил қўшсак бу воқеаларга 4 минг йил бўлади.

Наршахий ҳам Абул Ҳасан Нишонурийнинг “Хазони ул-улум” асарига манба сифатида суюниб шу фикрга келганку. Ўтаверса Фирдавсийнинг “Шоҳнамаси” да ҳам Сиёвуш тарихий шахс сифатида баҳоланади.

Учинчидан: Баъзи бир тарихчилар арк қурилган пайтда Бухоро ҳали қишлоқ эди. Шаҳар эмас эди деб исботламоқчи бўладилар. Лекин Бухоро қишлоқ бўлган бўлса, бундай баҳайбат Аркнинг нима кераги бор? Ахир Арк давлатнинг бошқарув идораси эмасми?

Шу ва бошқа мулоҳазага асосланиб Бухоронинг ёши ва дастлабки давлатчилигимиз тарихини 3000-3500 йилга teng дейишга асослар етарли. Бизнинг назаримизда Бухоро археологик жиҳатдан қайта ўрганилса унинг ёши ва тарихига оид тарихий ҳақиқат янада ойдинлашарди.

Адабиётлар

1. Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” Тошкент “Фан” 1966 йил
2. Сулейманова, М. Б., Азимов, Б. Б., Азимова, М. Б., & Тухсанова, В. Р. (2021). ДОСТИЖЕНИЕ ЭСТЕТИЧЕСКОЙ И НРАВСТВЕННОЙ ЗРЕЛОСТИ ОБУЧАЮЩИХСЯ

ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ. *European science*, (3 (59)), 53-56.

3. Азимов, Б. Б., Азимова, М. Б., Тухсанова, В. Р., & Сулаймонова, М. Б. (2021). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ, ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОВЕДЕНИЯ БЕСЕД ОБ ИСКУССТВЕ. *European science*, (2 (58)), 38-40.
4. Бадиев, М. М., Собиров, Т. Р., Авлиякулов, М. М., & Азимов, С. С. (2021). АНАЛИЗ ОБРАТНЫХ ЗАДАЧ В НАЧЕРТАТЕЛЬНОЙ ГЕОМЕТРИИ. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 76-77.
5. Boltaevna, Sulaimonova Mukhiba. "Improving the quality of spiritual and educational work." *Euro-Asia Conferences*. Vol. 1. No. 1. 2021.
6. Авлиякулов, М. М., Собиров, Т. Р., Бадиев, М. М., & Азимов, С. С. (2021). ОБЩИЕ ЗАКОНЫ КОМПОЗИЦИИ В РЕЗЬБЕ ПО ДЕРЕВУ. *European science*, (2 (58)), 32-34.
7. Хакимова, Гульнора Абдумаликовна, and Шерали Наимович Авезов. "ПСИХОЛОГИЯ ЦВЕТА И РОЛЬ ЦВЕТА В НАШЕЙ ЖИЗНИ." *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов* 4 (2015): 76-79.
8. Ширинов, А. Л., Батиров, Д. С., & Шомуродов, О. Н. (2021). ВАЖНОСТЬ ЦВЕТОВЕДЕНИЯ В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 83-85.
9. Аминов, Акмал Шавкатович, et al. "ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ САМОСТОЯТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ СТУДЕНТОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ." *European science* 2 (58) (2021): 77-79.
10. Собирова, Ш. У., Ядгаров, Н. Д., Мамурова, Д. И., & Шукров, А. Р. (2021). ОСНОВЫ, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБУЧЕНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМУ ИСКУССТВУ. *European science*, (2 (58)), 62-65.
11. Мамурова Д. И. и др. УЧЕБНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СТУДЕНТОВ ПО РЕШЕНИЮ РАЗЛИЧНЫХ ДИДАКТИЧЕСКИХ ЗАДАЧ В РАЗВИТИИ ПРОСТРАНСТВЕННОГО ВООБРАЖЕНИЯ СТУДЕНТОВ //European science. – 2021. – №. 2 (58). – С. 29-31.
12. Ядгаров, Н. Д., & Хакимова, Г. А. (2018). Самобытное творчество народных мастеров Узбекистана. *Молодой ученый*, (15), 272-275.
13. Nazarova S. M., Zaripov G. T. GENERAL PHYSICAL PROPERTIES OF IRRIGATED GRASS SOILS OF BUKHARA OAZIS AND WAYS TO IMPROVE THEM //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 3. – С. 66-69.
14. Tokhirovich, Z. G. (2021). Technology of preparation of composition from spinach pumpkin. *Middle European Scientific Bulletin*, 12, 424-429.
15. Хакимова, Г. А., & Кадирова, Н. А. (2021). НАСКАЛЬНАЯ ЖИВОПИСЬ В ПРОИСХОЖДЕНИИ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Наука и образование сегодня*, (5 (64)), 78-80.
16. Авлиякулов, М. М., Собиров, Т. Р., Бадиев, М. М., & Азимов, С. С. (2021). ОБЩИЕ ЗАКОНЫ КОМПОЗИЦИИ В РЕЗЬБЕ ПО ДЕРЕВУ. *European science*, (2 (58)), 32-34.
17. Samadovich, Azimov Sanjar, et al. "THE ESSENCE AND CONTENT OF FOLK AND APPLIED ART OF UZBEKISTAN AND CENTRAL ASIA." *European science* 2 (58) (2021): 35-37.